PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI
ISSN: 3060-4923 Impact Factor –7,212

2025–2026 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА БАЛИҚЛАРДА АЭРОМОНОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҚАЛИШ ДАРАЖАСИ ВА ҚЎЗҒАТУВЧИСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мухаммадиев Ўткирхон Икромхон ўғли
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети.
Самарқанд.
https://doi.org/10.5281/zenodo.21761892

Аннотация. Тадқиқот натижалари 2025-йилда текширилган 174 дона балиқларнинг ИЭ 9,8 % ни, 2026-йилга келиб жами текширилган 185 дона балиқларнинг ИЭ эса 11,9 % ни ташкил қилди. Балиыларнинг ёши ошиб борган сари ушбу касалликка чидамлилиги хам ортиб бориб бир йиллик балиқларда зарарланиш даражаси 2025-2026 йилларда мос равшда 16,3-18,4 % ни икки йиллик балиқларда 14,5-16,7 % ни ва уч йлликларида эса 4,4-4,0 % ни ташкил этди.
Калит сўзлар: A. Hydrophila, A. Sobria, қўзғатувчи, эпизоотология, карп, аэромоноз, бир йиллик, икки йиллик, уч йиллик.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда дунё аҳолисини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган тобора ўсиб бораётган талабини қондириш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Балиқчилик соҳасининг ривожланишига балиқларнинг паразитар ва юқумли касалликлари жиддий зарар етказиб, улардан келадиган иқтисодий зарар юқори кўрсаткичларни ташкил этиши мумкин. Кейинги йилларда сув ҳавзалари ва сув омборларида балиқларнинг бактериал касалликлари, айниқса аэромоноз ва диграммоз кенг тарқалиб бораётганлиги қайд этилмоқда. Шунга кўра, турли сув ҳавзаларида балиқларнинг юқумли касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Дунё миқёсида сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш, балиқ маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва улар ҳажмини ошириш ҳисобигагина балиқчиликда рентабелликнинг оширилишига эришиш мумкин. Бу борада, ер юзининг турли минтақаларида табиий ва сунъий сув ҳавзаларида кўпайтирилаётган карпсимон балиқлар (Cyprinidae) оиласи вакиллари аълоҳида аҳамиятга эга. Бу оилага мансуб балиқларни аквакультурада интенсив етиштириш, турли сув ҳавзалари ва шароитларига мослашиши ҳамда ҳудуддаги юқумли касалликлар қўзғатувчилари турларини шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ушбу оила вакилларида учрайдиган юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, самарали даволаш ва профилактика тадбирларини амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Олинган натижалар ва уларнинг тахлили. Тадқиқотларимиз 2025-2026 йилларда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги аэромонозга носоғлом хўжаликлардаги 1-3 йиллик карп турига оид балиқларни текширувдан ўтказганимизда, 2025-йили жами 174 дона балиқлар тўлиқ бактериологик текширувдан ўтказилди. Ушбу текширувларимиз натижасида уч йиллик 70 дона балиқнинг бир донаси (4,3 %), икки йиллик балиқларнинг 55 донасидан 8 донаси (14,5 %), 49 дона бир йиллик балиқларнинг 8 донасидан (16,3 %) A. Hydrophila ва A. sobria қўзғатувчилари топилди. Жами 174 дона балиқларнинг 17 донаси зарарланган бўлиб, экстенсивлиги эса 9,8 % ни ташкил қилди (1-расм).



А Б

1-расм (А) A. Hydrophila ва (Б) A. Sobria билан зарарланган балиқлар.

2026 йили жами 185 дона балиқлар тўлиқ бактериологик текширувдан ўтказилди. Ушбу тадқиқотларимиз натижасида уч йиллик 75 дона балиқнинг 3 донаси (4,0 %), икки йиллик 60 дона балиқлардан 10 донаси (16,7 %), 50 дона бир йиллик балиқларнинг 9 донаси (18,4 %) дан A. Hydrophila ва A. Sobria қўзғатувчилари топилди. Жами 185 дона балиқларнинг 22 донаси зарарланган бўлиб, экстенсивлиги эса 11,9 % ни ташкил қилди.

1- жадвал

2025-2026 йилларда карп турдаги балиқларни A. Hydrophila ва A. Sobria билан зарарланиш даражаси

Т/р	Карп	Текширилган балиқлар сони (бош)		Зарарланган балиқлар			
		йиллар		йиллар			
				2025		2026	
		2025	2026	дона	%	дона	%
1	3 йиллик	70	75	1	4,3	3	4,0
2	2 йиллик	55	60	8	14,5	10	16,7
3	1 йиллик	49	50	8	16,3	9	18,4
Жами		174	185	17	9,8	22	11,9

Умумий олганда жами 2025-йилда текширилган 174 дона балиқларнинг ИЭ 9,8 % ни, 2026-йилга келиб жами текширилган 185 дона балиқларнинг ИЭ эса 11,9 % ни ташкил қилди.

Хулоса.

Тадқиқотларни 2025-2026 йилларда олиб борилиб, 2025-йил 9,8 %, 2026 йилга келиб 11,9 % га ўсганлиги кузатилди.

Тажрибаларда бир йиллик балиқларнинг A. Hydrophila ва A. Sobria билан зарарланиш даражаси икки ва уч йиллик балиқларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

ISSN: 3060-4923 Impact Factor –7,212

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли фармони.
2. Ржавскоя Ф.М. Жиры рыб и морских млекапитающих. М.: Пищевая промышленность, 1976.-473 с.
3. Русеник О.Т. Паразиты рыб озера Байкал (Фауна, сообщества, зоогеография, история формирования). М.: Товарищество научных изданий КМК, 2007.-571с
4. Грищченко, Л.И. Болезни рыб и основы рыбоводства / Л.И. Грищенко, М.Ш. Акбаев, Г.В. Васильков. - М: Колос, 1999. - 456 с.
5. Груская П.Л Лигульёз рыб \ ветеринария сельскохозяйственных животных. М.: 2006, №11-38-39с.